

Мехнат кахрамони, Хамза номидаги Республика давлат мукофоти лауреати Раҳматулла Отакўзи ўғли Уйгун 1905 йили Козогистон жумхурляти Жамбул вилоятининг Марки кишлогида хизматчи оиласида дунёга келди. У кишлогидаги мактабни тугатгач, Тошкент педагогика техникумидаги ўқиди. 1925 йилдан бошлаб Тошкент кишлок хўжалик техникумидаги ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди.

1927 йили Самарканд Педагогика академиясида ўқиди ва Миртемир, Хамид Олимжон, Амин Умарий, Ҳасан Пўлатлар билан танишди. Уйгун ёшлигидан шеърлар ёзиб, вактли матбуотда фаол иштирок эта бошлади. 1929 йили шоирнинг «Бахор кувончлари» номли биринчи шеърлар тўплами чоп этилди. «Март кунлари», «Чўл», «Колхозчи киз», «Украина еллари» каби лирик шеърлари китобхонларнипг севимли асарига айланди.

30-йилларда шоирнинг «Иккинчи китоб», «Куёш ўлкаси», «Шеърлар», «Мухаббат» каби янги шеърий тўпламлари ва бир катор хикоя ва достонлари босилиб чиқди.

Улуг Ватан уруши йилларида ҳалкимизнинг фашизмга карши қурашдаги юксак ватанпарварлик фазилатларини юракдан куйлаган шоир шеърияти янги тараккиёт боскичига кўтарилиди. Уйгун бу даврда «Она» (1942), «Алишер Навоий» (1943, Иzzat Султон билан ҳамкорликда), «Калтис ҳазил» (1944) каби драматик асарлар, комседиялар яратди.

Уйгуннинг урушдан кейинги йиллардаги ижодида тинчлик, уруш, қураш ҳамда қишиларнинг фидокорона меҳнатни мотивлари ҳалклар дўстлиги мавзуи билан чамбарчас боғланиб кетади. Шоирнинг «Армугон» (1941) «Ўзбекистон» (1942), «Хаёт чорлайди» (1954) каби шеърий тўпламлари босилди. Бирок, Уйгун шеъриятида хозирги истиклол даври руҳига мос келмайдиган «Бригадир Карим», «Назир отанинг газаби» каби бир катор асарлари ҳам йўқ эмас. У «Хаёт кўшиги» (1947), «Олтинқўл», «Навбаҳор» (1948), «Сўнгги пушаймон» (1955) номли драматик асарлар ёзди. Уининг кейинги йилларда ижод килган «Парвона» (1956), «Абу Райхон Беруний» (1973), «Ибн Сино», «Зебуннисо» каби сахна асарлари ўзбек драматургиясининг яхши намуналари бўлди.

Шоир ва драматург Уйгун фаол жамоатчи сифатида 1951-1954 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси бўлиб ишлади. У ўзбек адабиёти тараккиётидаги хизматлари учун бир неча бор такдирланди.

1956 йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатгай санъат арбоби, 1965 йили Ўзбекистон ҳалк шоири фахрий унвонларига сазовор бўлди. У Хамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати ҳамда Мехнат Каҳрамони (1985) унвонларига ҳам эга эди. Уйгун 1974 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси килиб сайланган эди.

Уйгун Пушкин, М. Лермонтов, А. П. Чехов, Н. Толстой, В. Шекспир каби ёзувчиларнинг асарларини ўзбек тилига таржима килган. Уининг асарлари кардош ҳалклар ва жаҳон ҳалкларининг кўпгина тилларига таржима килинган.

Ижодкор ўз асарлари билан ўзбек поэзияси ва драматургияси ривожига салмокли хисса кўшган сермахсул шоир ва драматург сифатида таниклидир. У 1990 йил феврал ойида 85 ёшида оламдан ўтди.